

## МЕНИНГ ТОШ ДОСТОНЛАРИМ” ТУРКУМИ ҲИКОЯЛАРИДА АВТОБИОГРАФИК УНСУРЛАР ТАЛҚИНИ

Худоймуродова Хуррият

ТерДУ фалсафа фанлари доктори, Phd

### Annotatsiya

Ushbu maqolada yozuvchi Nodir Normatovning “Mening tosh dostonlarim” turkumiga kiruvchi hikoyalari tahlilga tortilgan. Tosh hikoyalari haqidagi qarashlar talqin qilingan.

**Kalit so‘zlar:** avtobiografiya, motiv, tosh, ota, ona, turkum, hikoya, momo.

Нодир Норматовнинг “Менинг тош достонларим” туркумига кирувчи ҳикояларининг барчаси автобиографик характерга эга. Ёзувчи ўзи кўрган, билган, ўз бошидан кечирган воқеаларни бадиий ифодалайди. Бунда баъзан унинг болалик хотиралари ҳам мотив вазифасини бажарган.

Нодир Норматовнинг “Менинг тош достонларим” туркумига кирувчи ҳикоялари билан танишсангиз, тош оддий, жонсиз ашёгина эмас, балки унда қандайдир табиатнинг илоҳий кучи яширинганлигига гувоҳ бўласиз.

“Тошқориз” ҳикоясида ёзувчи ўз отаси билан боғлиқ хотираларни тасвирлайди. Адиб ҳикояда воқеликни бўрттирмайди. Гарчи ҳикоя марказида унинг ўз отаси турган бўлса-да, реалликдан чекинмайди. Отаси портретини борича, ҳаққоний кўрсатади: “Отам золим одам бўлмаса-да, қаттиққўл, жаҳли тез одам эди. Ҳар гал отамнинг жаҳли чиққанида, урчуқ йигириб ўтирган момом (у урчуғини сира қўлдан қўймасди, ҳамсояникига чиқса ҳам ёнида бўларди), нимагадир урушни қарғар эди”. Англашиладики, Отадаги бу жиззакиликка уруш сабабчи. Қулоқнинг боласи бўлгани учун урушнинг энг олди чизиқларига ташланган, ҳар гал ўлим билан юзма-юз келган ота руҳиятидаги бундай ўзгаришларнинг сабабини англагандек бўламиз. Уруш

тугаган бўлса-да, унинг аросати, яраси битмаган эди. У катта бир авлод тақдирини, орзу-умидларини ўзгартириб юборди. Уруш одамлар руҳиятида умидсизлик кайфиятини келтириб чиқарди.

Кейинги лавҳаларга назар ташлайлик: “Момоннинг айтишича, ота урушгача ҳам, урушда ҳам ичмаган. Мен саккиз ёшдан сал ўтганимда, қишлоқдан одамларни тоғ орқасига – пахта теримига олиб кетиш палласи бошланганида она вафот этди. Шундан сўнг отамиз тез-тез ичадиган бўлиб қолди. Айниқса, колхозда бош ҳисобчи бўлгандан сўнг, меҳмонлар ташрифи баҳонасида бу ҳол авжига чиқди”.

Оиласи бошига тушган мусибат отанинг ичкиликка ружу қўйишига сабаб бўлди. У бор дарду аламларини ичкиликдан олади. Ундан “нажот” излайди, қалбини бир муддат азоблардан халос этади. Ҳикояда отанинг бу “хислат”и тошкориз билан боғланади. Биламизки, кориз форсча сўз бўлиб, ер ости сувларини юзага чиқариш учун қазилган мураккаб сув иншооти, суви ташқарига оқиб чиқадиган қудуқ маъносини билдиради [ЎТИЛ-5, 2, 408]. Муаллиф тошкоризга ичкиликдан бўшаган шишалар, неки бўлса барчасини шу тошкоризга ташлашини, ўзларининг юмуши енгиллашганини айтади. Бир вақтлар ундан шовиллаб сувлар оққан, аҳоли эса ундан баҳраманд бўлган. Шўролар замони келгач эса коризлар қаровсиз қолгани, унга чиқинди тўқадиган жойга айлантирилгани момонинг ҳикояси орқали ифодаланади:

“... Биргина шу ердаги тошкориз омон қолган эди. Лекин унгаям пайтида қизил аскарлар араби китобларимизни, жойнамозу ўз ахлатларини ташлаб, сувини кўмиб ташлаган эди. Мана энди қолганига отанг...”. Тарихдан маълумки, шўролар даврида миллий қадрият ва анъаналаримиз оёқости қилинди, муқаддас қадамжолар эса вайрон қилинди. Бу ҳам етмагандек, муқаддас булоқлар, коризлар кўмиб ташланди, ахлат ва чиқиндихоналарга айланди. Биламизки, сувга тупуриш ҳам гуноҳ саналади. Бу анъана ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган. Ота-боболаримиздан ўтиб келган бу анъана шўролар даврига келиб йўқола борди. Ёзувчининг бу ҳикоядан мақсади воқеликни шунчаки баён қилиш, болалик хотираларини ифодалаш эмас, балки даврнинг аччиқ

ҳақиқатини акс эттиришдир. Тошкориз аслида бутун давр кирдикорларини, кирларини, оғриқларини, зулумотларини бағрига олган, унга тилсиз гувоҳ бўлган рамзий тимсол вазифасини бажарган. Ёзувчи ҳаётда содир бўлган, ўзи гувоҳ бўлган воқеалар орқали мустабид тузум даврининг бор ҳақиқатларини, одамлар руҳиятини рўй-рост кўрсатади. Ҳатто ўз отаси билан боғлиқ лавҳаларда ҳам ҳақиқатдан чекинмайди. “Тошкориз” ҳикоясини ўқир экансиз, даврнинг энг қора кунларини ўз кўзи билан кўрган, урушда ўлим билан ҳар қадамда юзма-юз келган, умр йўлдошидан айрилган ота гўё ўз алам ва изтиробларини. армонларини тошкоризга ташлаётгандек, кўмаётгандек таассурот уйғотади.

ота гўё ўз алам ва изтиробларини. армонларини тошкоризга ташлаётгандек, кўмаётгандек таассурот уйғотади.

“Сайфи ака” ҳикояси ҳам адибнинг болалик хотиралари асосида ёзилган. “Тош билан боғлиқ хангомалар, воқеалар болалигимда кўп рўй берган” деб бошлайди ҳикояни муаллиф. Тўйга кетаётганда бола (адиб)ни машинасидан тушириб қолдирган Сайфи ака у томонидан тош билан “сийланади”.

Бир қарашда, Сайфи ака бошқа одам ҳам қилиши мумкин бўлган инсонийлик вазифасини бажарган. Биргина тош сабабли унинг табиатан бошқа одамга айланганлиги ҳикоянинг асосий моҳиятини ташкил этади. Бу ерда тошнинг инсон табиатининг, характерининг ўзгаришига сабаб бўлганлиги кўрсатилади.

#### **Фойдаланилган адабиёт:**

1. Норматов Нодир. Тошкориз / Бисот: Қиссалар, ҳикоялар. – Тошкент: Sharq, 2012. –Б.331-332.
2. Норматов Нодир. Тошкориз / Бисот: Қиссалар, ҳикоялар. – Тошкент: Sharq, 2012. –Б.333.
3. Норматов Нодир. Сайфи ака / Бисот: Қиссалар, ҳикоялар. – Тошкент: Sharq, 2012. –Б.342.
4. Норматов Нодир. Сайфи ака / Бисот: Қиссалар, ҳикоялар. – Тошкент: Sharq, 2012. –Б.343.\